

**IQTISODIY TADQIQOTLAR**  
**ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ**  
**ECONOMIC RESEARCH**

**ILMIY JURNALI**

**4**

**2021**

**TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT  
UNIVERSITETI**

**“IQTISODIYOT” FAKULTETI**

**IQTISODIY TADQIQOTLAR  
(ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ,  
“ECONOMIC RESEARCH)**

**ILMIY JURNALI**

**4**

---

**2021**

**Toshkent**

---

4  
2021

Elektron ilmiy jurnal  
Научный журнал  
Scientific magazine

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY  
JURNALI**

**MUASSIS**

Toshkent davlat iqtisodiyot  
universiteti

**Tahrir kengashi raisi:**

Abduraxmonov Qalandar Xodjayevich – i.f.d., prof.,  
akademik

**Tahrir kengashi:**

Eshov Mansur Po'latovich- i.f.d., professor  
Abduraxmonova Gulnora Qalandarovna – i.f.d., professor  
Xudoyqulov Sadridin Karimovich – i.f.d., professor  
Begalov Baxodir Abdusalovich– i.f.d., professor  
Bekmurodov Adxam Sharipovich- i.f.d., professor  
Vaxabov Abduraxim Vasikovich- i.f.d., professor  
Maxmudov Nosir Maxmudovich- i.f.d., professor  
Salimov Baxtiyor Tadjiyevich- i.f.d., professor  
Mustafaqulov Sherzod Igamberdiyevich- i.f.d., professor  
Jumayev Nodir Xosiyatovich- i.f.d., professor  
G'ofurov Ubaydullo Vaxabovich- i.f.d., professor  
Xolmo'minov Shayzaq Raxmatovich- i.f.d., professor  
Amirov Lochinbek Fayzullayevich – i.f.n., PhD  
Xatamov Ibodullo Sadullayevich – i.f.n., dosent  
Asqarova Mavluda Turopovna– i.f.n., dosent  
Xajiyev Baxtiyor Dushaboyevich– i.f.n., dosent  
G'ayibnazarov Sanjar Baxodirovich – i.f.n., dosent  
Kamalova Malika Nizamovna- i.f.n., dosent  
Mamaraximov Begzod Erkinovich- i.f.n., dosent

**Tahrir hay'ati:**

Begzod O'rinov– (AQSh)  
Uktam Burxanov – (Chexiya)  
Bozorboy Berkinov – i.f.d. (O'zbekiston)  
Mark Rozenbaum (AQSh)  
Volfgang Lukas (Germaniya)  
N. V. Morozov (Rossiya)  
Viktoriya Vdovichenko (Ukraina)  
Gulyabmir Raxmani (Afg'oniston)  
Axmed Muxamed Aziz Ismail (Misr)  
Kaukab Azim (Saudiya Arabistoni)  
Sherqul Shodmonov (Toshkent)  
Rauf Salaxodjayev (Toshkent)  
Axmedjon Mamatov (Toshkent)  
Ju Jengron (Xitoy)  
Jou Chingjiye (Xitoy)

© ISSN 2181-4457

**IQTISODIY TADQIQOTLAR ILMIY  
JURNALI**

**4  
2021**

**Elektron ilmiy jurnal  
Научный журнал  
Scientific magazine**

**Bosh muharrir:**

Eshov M.P.- i.f.d., prof.

**Adabiy muharrir**

Xajiyev B.D.- i.f.n., dots.

**Bosh muharrir o'rinbosari**

Amirov L.F. - PhD

**Musahhih:**

Jurnal sahifalarida chop etilgan materiallardan foydalanilganda "Iqtisodiy tadqiqotlar" ilmiy jurnalidan olindi deb ko'rsatilishi shart. Tahririyat taqdim etilgan maqolalarni taqriz qilish va qaytarish majburiyatini olmagan. Maqolada keltirilgan dalillar va ma'lumotlar uchun muallif javobgar.

**Veb-sayt manzili: <https://economicresearch.tsue.uz>**

**E-mail: [economicresearchjournal@gmail.com](mailto:economicresearchjournal@gmail.com)**

## МУНДАРИЖА

<b>IQTISODIYOT, INNOVASIYA VA TADBIRKORLIK NAZARIYA VA AMALIYOT</b>		
Salimov B.T., Salimov Sh.B.	Kichik biznes faoliyatini imitasion innovasiyalar yordamida rivojlantirish.....	6
Abdullayeva M.K.	O'zbekistonda oziq-ovqat sanoati tarmoqlarida ishlab chiqarish xarajatlarini pasaytirishning asosiy jihatlari.....	11
<b>BARQAROR IQTISODIY RIVOJLANISH: MAKROIQTISODIY YONDOSHVU</b>		
Ismoilova G.T.	Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash sanoati-ning mamlakat iqtisodiyotidagi o'rni va rivojlanish tendensiyalari.....	17
Mirzarakhimova A.	Development of the digital economy in the Republic of Uzbekistan.....	25
Неделкина Н.И.	Открытость экономики нового Узбекистана: реалии настоящего и приоритеты для будущего развития.....	28
Turgunov D.T.	Макроекономические показатели в Центральной Азии за 10 лет включая в период пандемии с зонами риска.....	36
<b>INSON RESURSLARINI BOSHQARISH, IJTIMOIIY SIYOSAT VA BANDLIK</b>		
Goyipnazarov S.B., Fayzieva M.Kh.	The assesment of the strategic roles of human resources professionals in the banking sector in Uzbekistan.....	46
Mamaraximov B.E.	Aholining demografik o'zgarishlari iqtisodiy taraqqiyotga ta'siri.....	54
Хашимова Г.А.	Положительная динамика роста рабочих мест за 2020 год.....	58
Хакимова Л.Ш.	Формированию государственной политики в сфере занятости.....	61
To'xtayeva X.F.	Xodimlar mehnat motivasiyasini kuchaytirishni takomillashtirish yo'nalishlari.....	69
<b>TARMOQLAR IQTISODIYOTI VA REAL SEKTORNI KOMPLEKS RIVOJLANTIRISH</b>		
Насырходжаева Д.С., Алимова Ш.А.	Проблемы развития конкурентоспособности промышленных отраслей в период пандемии.....	74
Yadgarov A.A.	Agrosug'urta-qishloq xo'jaligida iqlim o'zgarishini yumshatuvchi moliyaviy vosita sifatida.....	79
<b>TILSHUNOSLIK VA PEDAGOGIKA: ILM-FAN RIVOJLANTIRISH YO'LLARI, MUAMMOLAR, TAHLIL VA NATIJA</b>		
Исмаилова С.Р.	Сопоставление основы и окончания русского и узбекского языков	82

**КИЧИК БИЗНЕС ФАОЛИЯТИНИ ИМИТАЦИОН ИННОВАЦИЯЛАР  
ЁРДАМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

**Салимов Бахтиёр Таджиевич**

*ТДИУ, Тармоқлар иқтисодиёти  
кафедраси и.ф.д., профессор,*

**Салимов Шерзод Бахтиёрович**

*Макроиқтисодий тадқиқотлар ва  
прогноزلантириш институти тадқиқотчиси*

**Аннотация:** *Ишда Ўзбекистон шароитида кичик ва ўрта бизнесда имитацион инновациялардан фойдаланишнинг шарт-шароитлари, хусусиятлари кўрилган. Иммитацион инновацияларнинг устун томонлари очиб берилган. Худудларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, аниқланган интеграл индекслар ёрдамида таҳлил қилинган. КУБ ни худудлар бўйича инновацион ривожланиш имкониятлари аниқланган.*

**Калит сўзлар:** *кичик бизнес, инновация, имитацион инновация, индекс, интеграл индекс, техологик инновация, жараён инновация.*

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишда кичик ва ўрта бизнеснинг (КЎБ) муҳим аҳамият касб этиши бутун жаҳонда тан олинган, айниқса ривожланган давлатлар иқтисодиётида КЎБ муносиб ўринга эга ва муҳим сектор ҳисобланади. КЎБ маҳаллий хомашё ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб этади, иш ўринлари яратади, аҳолининг катта қисмини даромад билан таъминлайди, бутун мамлакат ва ундаги худудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини белгилайди. КЎБ тармоқ ичида ва бошқа тармоқлар билан интеграцион алоқаларни кучайтиради.

АҚШ да олиб борилган тадқиқотларга кўра КЎБ да, ишчи бошига олиб қараганда, катта бизнесга нисбатан 16 баробар кўп патентлар яратилади [5]. Хитой халқ республикасида (ХХР) патентларнинг 85%, техник янгиликларнинг 75% ва янги маҳсулотларнинг 80% КЎБ га тегишли [3]. Европа Иттифоқи (ЕИ) давлатларида компанияларнинг 99% КЎБ компаниялари, ХХР сида 97%. Ўзбекистонда 2019 йилда 334767 кичик бизнес субъектлари фаолият юритган.

Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик тадбиркорлик икки турга бўлинади: микрофирма ва кичик корхона. Ўзбекистон Республикасида ўрта бизнес тушунчаси мавжуд эмас. Ташкилотларни кичик тадбиркорлик субъектига киритиш Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сонли қарорига кўра ишлаб чиқилган классификацияга асосланади. Ўртача йиллик ишчилар сони 20 нафаргача бўлса, бундай корхоналар микрофирмалар ҳисобланади. Ишчилар сони 279 нафаргача бўлса, булар кичик корхоналар деб қаралади. Биз бу ерда юқори чегаранинг максимал қийматини олдик. Фаолият турлари бўйича юқори чегара шу оралиқда ўзгаради.

Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда корхоналарни микрофирма ва кичик корхоналарга ажратишда ЕИ давлатлари тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ [1]. Чунки бу мезонлар ЕИга кирувчи 28 давлатга тегишли ҳисобланади. Микрофирмаларда ходимлар сони 1-9 нафар, кичик корхоналарда 10-49 нафар ва ўрта корхоналарда 50-249 нафар этиб белгиланиши давлатнинг КЎБни қўллаб-қувватлаш сиёсати янада аниқ ва мақсадли бўлишини таъминлайди.

Ҳозирги вақтда КЎБ корхоналари самарадорлиги ва рақобатдошлигини оширишда инновацион фаолиятни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Янги маҳсулот, хизматлар турини яратиш, янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш КУБ корхоналари барқарор ривожланишининг энг муҳим омили бўлиб қолмоқда. Маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларини иқтисод қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда корхона фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ захира имкониятлар инновацион фаолият билан боғлиқ.

КУБ саноат корхоналарида инновацияларни киритишдан мақсад:

- ✓ фойдани ошириш;
- ✓ маҳсулот сифатини ошириш;
- ✓ маҳсулот таннархини пасайтириш;
- ✓ янги маҳсулот турини ўзлаштириш;
- ✓ ички бозорда маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш;
- ✓ ташқи бозорда маҳсулот сотиш ҳажмини ошириш;
- ✓ хомашё ва материалларни иқтисод қилиш;
- ✓ ишчиларнинг иш жойларини яхшилаш;
- ✓ захарли чиқиндиларни қисқартириш.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, 79 % саноат корхоналари кўпроқ технологик инновацияларни жорий қилишга эътибор беради, ташкилий инновациялар 29 %, маркетинг инновацияларини жорий қилиш 18 %ни ташкил қилади [1, 454 б.].

Технологик инновациялар маҳсулот ва жараён инновацияларига бўлинади. Маҳсулот инновациясида кўпроқ эътибор технологик жиҳатдан янги ёки модернизациялашган маҳсулот ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга берилади. Албатта, янги маҳсулот коммерциализациялана-диган бўлиши керак, жараён инновацияларида эса асосан, янги ускуна ва янги технологиялар харид қилинади [1, 454 б.].

КЎБда инновацион фаолият билан шуғулланишга бўладиган тўсиқлар қуйидагилардан иборат:

- молия ресурсларининг етишмаслиги;
- инновациялар катта харажатлар билан боғлиқлиги;
- техник базанинг паст даражадалиги;
- кредит фойзининг юқорилиги;
- малакали кадрларнинг етишмаслиги;

- рискнинг юқорилиги ва ҳоказо.

КЎБни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари (хорижий ва маҳаллий тажриба асосида белгиланган):

- ✓ солиқ имтиёзлари;
- ✓ давлат грантлари;
- ✓ давлат томонидан имтиёзли қарз (лойиҳа амалга оширилса, қарзнинг маълум қисмидан кечиш);
- ✓ субсидия бериш;
- ✓ кредитни субсидиялаш;
- ✓ маслаҳат бериш;
- ✓ қўллаб-қувватлаш инфратузилмаси (бизнес инкубатор, технопарк ва бошқалар);
- ✓ янги ускуна ва технология сотиб олишда давлат-хусусий шерикликдан фойдаланиш.

Технологик инновациялар турини ҳар хил нуқтаи назардан қараш мумкин [3, 70 б].

Ишлаб чиқариш жараёнида технологик ўзгаришларни интенсивлиги бўйича уларни қуйидагиларга ажратиш мумкин: кетма-кет ривожланиб борадиган инновация ва туб инновациялар.

Кетма-кет ривожланиб борадиган инновациялар мавжуд технологияларни модернизациялаш ва такомиллаштириш бўлса, туб инновациялар бутунлай янги технологияни ишлаб чиқиш билан боғлиқ [8].

Агар технологик инновацияларда қатнашувчи субъектлар кўп бўлса, унда уларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- ўзи томонидан ишлаб чиқилган инновация;
- имитацион инновация;
- биргаликдаги инновация.

Ўзи томонидан ишлаб чиқилган инновация – корхона томонидан мустақил ишлаб чиқилган янги технологик натижа. Бунда илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни корхона ўзи амалга оширади ва натижа кўп ҳолларда бозорда сотиладиган янги маҳсулот ҳисобланади. Мустақил инновацияни амалга ошириш жуда катта риск билан боғлиқ ва жуда кўп маблағ талаб қилади, буни ҳам эътиборга олиш керак. Одатда, йирик компаниялар мустақил инновацион фаолият билан шуғулланади.

Имитацион инновацияларда корхона тўғридан-тўғри илғор технология ва ускуналарни сотиб олади ва уларни модернизациялаш ва такомиллаштиришга қаратилган ишларни олиб боради. Бу модель технологик инновацияларни жорий қилишнинг оддий усули, лекин у янги технологияларни сотувчилар томонидан чекланган.

Биргаликдаги инновацияда икки ёки бир нечта қатнашчилар бир хил манфаатга асосланиб, биргаликда янги технологияни ишлаб чиқади. Бу моделнинг яхши томони маблағлар қўшилади, молиявий имконият

кенгайди, рисклар қатнашчилар ўртасида бир хил тақсимланади, фойда тақсимланади.

Ривожланган давлатларда илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларга юқори технологик компаниялар товар айланмасининг 5 %дан ортиқроғини сарфлайди, оддий корхоналар 2 %, Хитойда КУБ товар айланмасидан 1 % ажратади[7]. Шу сабабли КЎБ корхоналари технологик инновацияларга катта инвестиция қўйиши жуда чекланган.

КЎБ корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантиришда имитацион инновациялардан фойдаланиш бир қатор устунликларга эга:

✓ имитацион инновациялар товарни бозорда сотиш рискинни пасайтиради;

✓ аниқ бир маҳсулот билан ишлашда бирламчи инновация натижалари мавжуд;

✓ имитацион инновацияда модернизация қилинадиган объект танлаб олинади, ундан кейинги корхона томонидан олиб бориладиган изланишлар рискдан ва қайта-қайта изланишлардан, катта харажатлардан холи бўлади (янги технологияни модернизациялаш, янги технологияни ишлаб чиқишга нисбатан арзон);

✓ КЎБ корхоналари мустақил инновацияларни амалга ошириш имконияти чекланганини ҳисобга олсак, уларни инновацион фаолият билан шуғулланишида имитацион инновациялардан фойдаланиши ўз маҳсулоти рақобатбардошлигини босқичма-босқич оширишга имконият яратади ва шу билан бирга, инновацион технологик жараёнларни ва бирламчи инновацияни ўтган маҳсулотларни такомиллаштириш ишларини яхши йўлга қўяди.

Имитацион инновациялардан фойдаланиш маҳсулот таннархини кескин оширмайди ва бу маҳсулот рақобатбардошлигини оширади. Натижада маҳсулотни бозорга мослаштириш осон кечади.

КЎБ стратегик ривожланишида имитацион инновациялардан фойдаланиши энг самарали йўл ҳисобланади, чунки бозорда ўз ўрнини топган товарлар ва технологиялар имитация қилинади.

КЎБ корхоналари учун имитацион инновациядан фойдаланишдан мақсад – келажакда ўз инновацияларини ишлаб чиқиш. Маълум вақт ўтгандан кейин корхоналар имитацион инновациялардан фойдаланиб, ўз инновацион ривожланиш концепциясига ўтиши керак.

Бунга яхши мисол сифатида Японияни келтириш мумкин. Япония АҚШ ва бошқа ривожланган давлатлардан технологияни сотиб олиб, барча инновацион жараёнларни амалга ошириб, ўз рақобатбардош маҳсулотини яратишга эришди. Худди шундай Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея ва бошқа бир қатор давлатларни мисол сифатида келтириш мумкин.

Ўзбекистон шароитида КЎБ корхоналарида имитацион инновациялардан фойдаланиш юқорида кўрсатиб ўтилган омиллардан ташқари ҳудудларнинг иқтисодий, саноат ва инновацион салоҳиятини ривожлан-

ганлик даражасига ҳам боғлиқ. Ривожланган ҳудудларда корхоналар ўртасида кооперация яхши ривожланади, мутахассис кадрларни жалб этиш имконияти бор. Вилоят марказларида, айниқса, Тошкент шаҳрида илмий тадқиқот институтлари ва университетларнинг бўлиши КЎБ корхоналарида инновацион фаолиятни амалга оширишни тезлаштиради.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Буланова Е.В., Соменкова Н.С., Ягунова Н.А. Формирование стратегии развития малого инновационного предприятия промышленного комплекса. // Журнал «Вопросы инновационной экономики». Том 9. № 2. Апрель-июнь, 2029.

2. Гуменова Г.И., Шаймиева Э.Ш. Анализ управления технологическими инновациями на промышленных Российских предприятиях: источники финансирования, инновационная стратегия. // Актуальные проблемы экономики и права. 2012. № 4 (24). С. 143-150.

3. Инновационное предпринимательство в Китае. // Фундаментальные Исследования, 2018. - №10 - с.74-78 (электронный ресурс), <https://www.fundamentalresearch.ru/ru/article/view?id=42283>

4. Сюй Хуэйчжуин. Анализ преимущества имитационной инновации. //Гуманитарные и социальные науки. 2012. № 7.

5. Титов. Б. Сектор малого и среднего предпринимательства: Россия и Мир. Институт экономики роста им. Столыпина П.А. июль, 2018. Электрон ресурс, <http://stolypin.institute/novosti/sector-malogo-i-srednego-predprinimatelstva-rossiya-i>

6. Ўзбекистон республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, 2019 йил. Т. 2020 й

7.Портяков В.Я. Превращение Китая в мощнейшую державу мира и прогноз возможных геополитических последствий. //Глобальная экономика и жизнеустройство на пороге новой эпохи. М.: Анкил, 2012. – 384 С.

8.Harman, A. The international computer industry. Innovation and comparative advantage / A. Harman. – Harvard University Press Cambridge, Massachusetts, 1971. –81 P

---

---

# **IQTISODIY TADQIQOTLAR**

---

**ELEKTRON ILMIY JURNALI**

---

**Tahririyat manzili:**  
100003, Toshkent sh., Chilonzor tumani, I. Karimov ko'chasi 49-uy  
Telefonlar \*\*\*\*\*